



08.02.2019



**Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.**

Фармон билан инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгиланди.

Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди.

Вазирлик ҳузурида қуйидагилар ташкил этилди:

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши;

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги;

Технологик ривожланиш агентлиги.

Вазирлик ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қиймати 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги келишувлар Вазирлик билан олдиндан келишилиши шарт.

2019 йил 1 мартгача “Инвестиция портали”да инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвесторлар муурожаатларини кўриб чиқиш натижаларининг марказлашган маълумотлар базаси яратилади.

2019 йил 1 июлдан инвесторлар билан ўзаро алоқалар “ягона дарча” тамойили асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази қошида ташқи савдо ва экспорт

асослари бўйича бепул курслар ташкил этилди.

Ҳукуматнинг давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш функцияси Молия вазирлигига юкланди ҳамда жамғарма 2019 йил 1 февралдан тугатилади.

2019 йил 1 июнгача Ўзбекистон Республикасининг интерактив инвестициявий харитаси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК тугатилади.

69 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- [Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлигига ўтказилди](#) [3]
- [Ҳуқуқий ахборот \(2019 йил, 3 сон\)](#) [4]
- [Хорижга чиқиш учун қандай паспорт керак? \(2019 йил, 3 сон\)](#) [5]
- [Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида](#) [6]
- [“АНДИЖОН-ФАРМ” ЭИЗ ташкил этилди](#) [7]
- [Қонунчиликдаги янгиликлар](#) [8]
- [Қонунчиликдаги янгиликлар](#) [9]
- [2019 йил 11 январь куни навбатдаги “Адлия ахбороти” брифинги ва матбуот анжумани ташкил этилди](#) [10]
- [18 ёшгача паспорт олмаганлик учун жарима тўланмайди](#) [11]
- [Судларда бож тўлаш бўйича бир қатор имтиёзлар бекор қилинди](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4548>

### Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4548>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4548>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4558>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4527>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4522>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4518>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4508>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4507>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4502>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4493>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4491>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4490>